

Стандартлаштириш

Британия стандартлар институти (BSI) - стандартларни ишлаб чиқиб, ҳам Буюк Британия, ҳам бутун дунё бўйлаб уларни жорий этувчи мустақил ташкилот.

Халқаро стандартлаштириш ташкилотларида BSI Буюк Британиянинг вакили бўлиб иштирок этади ҳамда мамлакатда халқаро стандартларни қўллаш тўғрисида қарор қабул қиласди. BSI ИСО да 111 техник қўмита ва кичик қўмиталар, МЭК да — 26та, СЕН да — 29та, СЕНЭЛЕК да — 11 техник қўмита ва кичик қўмиталарнинг стандартларини юритади. Миллий стандартлар лойиҳаларини тайёрлашда ушбу ташкилотлар томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг талаблари энг юқори даражада инобатга олинади.

BSI қўйидаги асосий функцияларни бажаради:

- хусусий, миллий ва халқаро стандартларни ишлаб чиқиш;
- менежмент тизимларини тибиёт асбоб-ускуналарини баҳолаш ва сертификатлаштириш;
- маҳсулотлар ва хизматларни синаш ва сертификатлаштириш;
- ўқитиш.

BSI таркибига, стандартлаштириш ва стандартларни қўллашда бўйича ишларда иштирок этишдан манфаатдор бўлган умумий ва алоҳида аъзолар (15 мингдан ортиқ фипмалар, ташкилотлар ва алоҳида шахслар) киради.

Миллий стандартларни BSI асосий ишчи органлари – техник қўмиталар ишлаб чиқади (улар 3,5 мингга яқин). Ишнинг энг катта ҳажми электротехника, автоматизации, ахборот технологияси, қурилиш, кимё, соғлиқни сақлаш, машинасозлик соҳасидаги стандартлаштириш бўйича тармоқ қўмиталар томонидан амалга оширилади.

Амалдаги миллий стандартларнинг умумий сони 20 мингга яқинидир.

Британия миллий стандартларининг деярли 25% ни муқова усули орқали қабул қилинган халқаро стандартлар ташкил этади. Ишлаб чиқилаётган стандарт лойиҳаларининг тахминан 70% халқаро стандартлаштириш йўналишларига биноан юритилади. 16% дан ортиқ стандартлар қисман қабул қилинган халқаро стандартларни ифода этади.

BSI барча стандартлари тўғрисидаги ахборотни <http://shop.bsigroup.com/> сайтида олиш мумкин.

Сертификатлаштириш



Маҳсулотни сертификатлаштириш бу, аниқ стандарт талаблари ёки спецификацияга мувофиқликни мустақил равишда тасдиқлаш жараёни. Баъзи тармоқлар учун маҳсулотнинг сертификатланиши мажбурий бўлиб ҳисобланади, бошқалар учун эса ихтиёрий.

BSI Product Services Британия стандартлар институтининг маҳсулот ва хизматларни синовдан ўтказиш ва сертификатлаштириш соҳасидаги йўналишларини тақдим қилади.

BSI Product Services саноат маҳсулотлари ва электротехника товарлари, қурилиш материаллари ва тиббиёт асбоб-ускуналарини сертификатлаштириш соҳасида хизматлар кўрсатади.

Мажбурий сертификатлаштириш

Баъзи сертификатлаштириш схемалари маълум мамлакатлар ва бозорлар учун мажбурий бўлиб ҳисобланади ва кўпинча норматив хужжатлар орқали қўшимча равишда назорат қилинади.

Масалан, СЕ тамғаси Европа Иттифоқи Директиваларининг амал қилиш доирасига кирувчи маҳсулотларни Европа бозорларида сотувга чиқариш учун мажбурий бўлиб ҳисобланади.

Ихтиёрий сертификатлаштириш

Kitemark® каби баъзи сертификатлаштириш схемалари ихтиёрий бўлиб, ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари мижозларнинг талаблари ва кутилмаларига мувофиқ эканлиги тўғрисида декларация қилиш учун улар томонидан қўлланилади. BSI дунё бўйлаб мавжуд бўлган барча сертификатлаштириш схемалари бўйича кўп турдаги маҳсулотлар синовларини амалга оширади.

BSI кўп мамлакатлар билан тузилган, маҳсулот синовлари бўйича олинган ҳисботларни ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимларга эга, жумладан: Япония, АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, ЖАР, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Хитой ва Россия билан.



Kitemark® белгиси спецификаторлар, сугуртачилар ва истеъмолчиларга маҳсулот сифати ва хавфсизлиги ҳақида кафолат беради.

Kitemark Британия стандартлар институти (BSI) томонидан ишлаб чиқилиб, унинг маҳсулотни сертификатлаштириш белгиси бўлиб ҳисобланади. Kitemark сертификатлаштириш схемаси ихтиёрий бўлиб, компаниянинг сифатга бўлган тараффорлигини намойиш этади ва истеъмолчига сотиб олинаётган маҳсулот сифатли эканлиги тўғрисида кафолат беради.

Ўз маҳсулотини Kitemark белгиси билан тамғалаш учун рухсат олиш учун ишлаб чиқарувчи, ISO 9001:2000 талабларига мувофиқ тузилган Сифат Менежменти Тизимига ёки бошқа тан олинган Ишлаб чиқариш устидан назорат қилиш тизимига эга бўлиши керак. Менежмент Тизими маҳсулот хилининг муваффақиятли ўтказилган синовлари ва тўпларнинг мунтазам синовлари билан асосланган бўлиши керак.

Kitemark® белгиси BSI Product Services мулки бўлиб, рўйхатга олинган сертификатлаштириш белгиси деб ҳисобланади. Kitemark® белгиси – маҳсулот стандартлар ва спецификацияларнинг қатъий талабларига ва хавфсизлик нормаларига мувофиқлигини тасдиқловчи белги.

Батафсил маълумотларни <http://www.bsi-russia.ru/ru/forms/General-Enquiry-Form/> сайтида олиш мумкин.

СЕ тамғаси



Европа Иттифоқи ҳудудида реализация килинадиган ҳамда тегишли Директиваларининг амал қилиш доирасига киравчи маҳсулот мажбурий талаб сифатида СЕ тамғасига эга бўлиши керак.

Мувофиқликни тасдиқлаш мураккаб тартиб-таомил бўлиши мумкин чунки СЕ тамғасига кўйиладиган талаблар қўлланилаётган Директивага қараб фарқланади. BSI 17 та Европа Директивалари бўйича аккредитланган (<http://www.bsi-russia.ru/ru/Product-Testing/CE-Marking/>), ва ушбу Директиваларнинг ҳар бир бўйича сертификатлаштиришнинг барча босқичларида консультация берувчи эксперталар командаси ташкил этилган.

Деярли барча мувофиқликни тасдиқлаш схемалари мувофиқликни тасдиқлаш учун мустақил аккредитланган сертификатлаштириш органи жалб этилишини талаб қиласди.

Европа Иттифоқининг янги Директивалари ҳар хил мувофиқликни тасдиқлаш схемаларини ўз ичига олган. Ҳар бир сўровчи энг мақбул схемани танлаб, Директивада кўрсатилган усулга риоя қилиши мумкин.

Синовдан ўтказиш

BSI Product Services қурилиш, ёнғин хавфсизлиги, электротехника ва тиббиёт асбоб-ускуналари соҳасига оид кўп саноат ва истеъмол маҳсулотларини синовдан ўтказади. Синов лабораторияларининг кўпи UKAS томонидан аккредитланган.

Автомобилсозлик



BSI Product Services стандартларни ишлаб чиқиш, Kitemark® сертификатлаштириш ҳамда маҳсулотни синовдан ўтказиш соҳасида автомобиль саноати ташкилотларининг кўпи билан яқин ҳамкорлик қиласди.

Гаражлар ва кичик автомобиль дўконлари учун эътиборга молик Kitemark ® схемаси харидорлар ва савдога доир стандартларга йўналтирилган PAS 80 кўринишида қўлланилади.

Ҳаммабоп

(PAS) спецификацияси маҳсулот, жараён ёки хизмат ишлаб чиқарувчилари ва фойдаланувчилари учун фойдали ва амалий маълумотларни ўз ичига олади. Охирги версия ишлаб чиқилгунча бу соҳадаги кўп стандартлар PAS сифатида чоп этилади.



Vehicle Certification Agency (VCA) томонидан аккредитланган техник хизмати бўлган BSI Product

Services шунингдек VCA Approval схемаси бўйича кенг доирадаги маҳсулотларни, жумладан автомобиллар учун ёритиш асбоблари, автомобил ойналари ва автомобиллар учун электр жиҳозларини синовдан ўтказади.

Курилиш



BSI Product Services, полимер пластик қувурлар ва жиҳозлар, деразалар, эшиклар, изоляция материаллари, бетон ва шиша маҳсулотлари каби курилиш саноатида ишлатиладиган маҳсулотларни синовдан ўтказади.

Синов қуйидаги асосий талабларга мувофиқ ўтказилади:

- маҳсулот ишлаб чиқиш
- спецификациялар ва стандартлар талабларига нисбатан мувофиқликни мустақил синаш
- Kitemark® схемаси бўйича сертификатлаштиришга амал қилиш мақсадида синовдан ўтказиш

BSI Product Services нотификация қилинган орган бўлиб, курилишда фойдаланиладиган маҳсулотларни CE marking схемаси бўйича сертификатлаштирилади.

Электроника ва электротехника



Электр ва электрон маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши хавфсизлик, ишончлилик ва бошқа асбоб-ускуналар билан мослашувчанлик қисмида халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги бўйича қатъий назорат остида амалга оширилади. BSI Product Services, истеъмолчилар бозорлари, саноат ва тижоратда қўлланиш, аэрокосмик тармоғида ва ҳарбий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналарни сертификатлаштиради ва синовдан ўтказади.

Kitemark® ва CE marking схемаларига қўшимча равишда BSI Product Services Нотификацияловчи орган сифатида European New Approach Directives га мувофиқлик бўйича синов ўтказади. Уларнинг кўпи – бу, истеъмолчи бозорга чиқиш учунриоя этилиши мажбурий бўлган қонун талаблариdir. Тасдиқлаш схемалари мажбурий бўлмаган жойларда эса ихтиёрий сертификатлаштириш сифатга бўлган тараффордлигини намойиш этади, ва бу ўз навбатида, бозор улушини кенгайтириб, маҳсулотни «премиум» баҳоловчи сегменти даражасига олиб чиқади.

Манасозлик



BSI Product Services ташкилотнинг ишли жойларини сертификатлаб, манасозлик соҳасида синовлар ўтказади ва хуносалар чиқаради.